



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

2026 йил — МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2026 йил 21 апрель, № 78 (9249)

Сешанба Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ РОССИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев шу кунларда Тошкент шаҳрида ўтаётган «ИННОПРОМ. Марказий Осиё» халқаро саноат кўргазмасида Россия делегациясига бошчилик қилаётган Россия Федерацияси Ҳукумати Раисининг биринчи ўринбосари Денис Мантуровни қабул қилди.



Учрашувда Татаристон, Бошқирдистон Республикалари, Ленинград, Киров, Иркутск ва Омск вилоятлари, шунингдек, Россиянинг бир қатор етакчи компаниялари раҳбарлари ҳам иштирок этди. Сўхбат аввалда юқори мартабали меҳмон мамлакатимиз етак-

чисига Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг саломи ва энг эзгу тилакларини етказди.

Ўзбекистон Президенти 35 мамлакатдан 10 мингдан зиёд бизнес вакиллари иштирокида олтинчи «ИННОПРОМ» кўргазмаси муваффақиятли ташкил этилгани ва ўтказилаётганини олқишлади.

Олий даражада, энг аввало, савдо-иқтисодий соҳада эришилган келишувларни амалга ошириш масалалари кўриб чиқилди.

Савдо ҳажми барқарор ўсиб бораётгани, саноат, тинч атом, энергетика, транспорт, металлургия, кимё ва бошқа тармоқлардаги лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилаётгани мамнуният билан қайд этилди.

Товар айирбошлаш суръатини сақлаб қолиш ва устувор тармоқларда, шу жумладан, саноат зоналари доирасида кооперация лойиҳаларини жа-

даллаштириш бўйича ўзаро мувофиқлаштирилган чора-тадбирларни қабул қилиш, ҳудудлар ва тадбиркорлар даражасидаги фаол алоқаларни давом эттириш муҳимлиги таъкидланди.

Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, энергия самардорлиги, сув хўжалиги, киберхавфсизлик ва сунъий интеллект каби истиқболли йўналишлардаги режалар қўллаб-қувватланди.

Техника йўналишидаги қўшма олийгоҳлар негизда иқтисодийнинг муҳим тармоқлари учун муҳандис кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, учрашувда Россия ҳудудлари ва компаниялари раҳбарлари мамлакатимиз етакчисига турли тармоқларда янги лойиҳаларни амалга ошириш бўйича аниқ режаларни тақдимот қилди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

## «Янги Ўзбекистон Ёшлари — 2030» СТРАТЕГИЯСИ ТАҚДИМОТИ

Президент Шавкат Мирзиёев 20 апрель куни «Янги Ўзбекистон ёшлари — 2030» стратегияси лойиҳаси юзасидан тақдимот билан танишди.

Бу мамлакатимизда ёшларга оид қабул қилинган биринчи яхлит стратегия бўлиб, Янги Ўзбекистонни барпо этишда ёшларнинг ўрни ва салоҳиятини янада тўлиқ рўйбга чиқаришга қаратилган.

Бугунги кунда юртимиз аҳолиси 38 миллион нафарни ташкил этаётган бўлса, шундан 9,5 миллиони ёки қарийб 25 фоизи 14 — 30 ёшдаги йигит-қизлардир. Ҳар йили 270 мингга ёш оила шаклланади. Ана шу демографик омил ёшлар сиёсатида узоқ муддатли ва тизимли ёндашушни талаб этмоқда.

Стратегияда ёшлар бандлигини таъминлаш ва тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, сифатли ва инклюзив таълимни ривожлантириш, ҳорижий тилларни омаллаштириш ва касбий таълимни кенгайтириш, меҳнат бозорини рағбатлантириш ҳамда ёш оилаларни

қўллаб-қувватлаш, маданий, жисмоний ва маърифий ривожланишни кучайтириш, волонтерлик ҳаракатини кенг ёйиш, ёшлар саломатлигини мустаҳкамлаш, шунингдек, очкилик ва иштирок меҳанизмларини кенгайтириш каби устувор йўналишлар белгиланган.

Тақдимотда 2030 йилга қадар эришилиши лозим бўлган асосий мақсадли курсаткилар кўриб чиқилди. Хусусан, ҳар йили 600 минг нафар ёшнинг бандлигини таъминлаш, 2030 йилга қадар 900 минг ёшни волонтерликка жалб этиш, ўқув марказлари сонини 90 мингга етказиш, 450 минг нафар ёшнинг ҳорижий тиллар бўйича билимини «В2» даражасига олиб чиқиш, ёшлар жиноятчилигини камайтириш, ҳар йили камидан 10 мингга ёш оилани ипотека орқали қўллаб-қувватлаш каби вазифалар назарда тутилган. ➡ 2

## ТАШҚИ МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИ ЗАМОН ТАЛАБЛАРИГА МОСЛАШТИРИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев ташқи меҳнат миграциясини тартибли ташкил этиш, фуқароларни ҳориждаги юқори даромадли иш ўринларига тайёрлаш ва уларни ҳар томонлама ҳимоя қилишга қаратилган чора-тадбирлар юзасидан тақдимот билан танишди.

Бугунги кунда 40 га яқин ҳорижий давлатларда 1,2 миллион нафар фуқароларимиз меҳнат қилмоқда. Европа ва Шарқий Осиёнинг ривожланган давлатларида малакали ишчи кучига эҳтиёж йилдан-йилга ортиб бормоқда. Қолаверса, Европа комиссиясининг 2030 йилгача бўлган янги миграция стратегиясида Марказий Осиё билан миграция дастурлари, кадрлар тайёрлаш ва ноқонуний миграциянинг олдини олишга алоҳида урғу берилган.

Шу боис ташқи меҳнат миграцияси бозори географиясини кенгайтириш, айниқса, юқори даромадли меҳнат бозорларига қиқш устувор вазифа сифатида белгиланган.

Бугунги кунда ҳориждан тил ва касб талабларига жавоб берадиган 100 мингдан ортиқ малакали мутахассисларга буюртмалар келиб

тушган. Жумладан, Германияга 40 минг ҳамшира, Японияга 15 минг қурилиш, меҳнат қилмоқда. Европа ва Шарқий Осиёнинг ривожланган давлатларида малакали ишчи кучига эҳтиёж йилдан-йилга ортиб бормоқда. Қолаверса, Европа комиссиясининг 2030 йилгача бўлган янги миграция стратегиясида Марказий Осиё билан миграция дастурлари, кадрлар тайёрлаш ва ноқонуний миграциянинг олдини олишга алоҳида урғу берилган.

Эндиликда бундай лойиҳалар сонини 20 га етказиш, талаб юқори бўлган замонавий касб ва ҳорижий тилларга ўқитиш қўламини 50 фоизга кенгайтириш, қамровини 10 минг нафардан ошириш режалаштирилган. ➡ 2

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ҚОЗОҒИСТОНДАГИ ХАЛҚАРО ТАДБИРЛАРДА ИШТИРОК ЭТАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг таклифига биноан Минтақавий экологик саммит ва Орolni кутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари раҳбарлари кенгашининг йиғилишида иштирок этиш учун 21-22 апрель кунлари амалий ташир билан Остона шаҳрида бўлади.

Бўлажак тадбирлар давомида Марказий Осиёнинг барқарор тараққиёти йўлида минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш, минтақанинг долзарб экологик, иқлим ва сув муаммоларини ҳал этиш масалалари муҳокама қилинади.

Президентимиз ушбу масалалар бўйича ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашади, миллий павильонлардан иборат махсус экологик кўргазмага ташриф буюради.

Саммитлар якунида қатор муҳим ҳужжатлар қабул қилиниши кутилмоқда.

Ў.А.

### Форум

## НАРКОЖИНОЯТЛАР — ГЛОБАЛ ХАТАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Наркотиклар ва ўқотар қуролларни назорат қилиш агентлиги ҳамда БМТнинг Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси ҳамкорлигида «Жамоат саломатлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида трансмиллий наркотаҳдидларга қарши курашиш» мавзусида глобал форум бўлиб ўтмоқда.

Самарқанд шаҳридаги «Буюк Ипак йўли» халқаро туризм марказида ўтказилаётган ушбу форум наркотикларнинг ноқонуний айланмасига қарши курашиш самардорлигини ошириш, илғор халқаро тажрибани тизимли ўрганиш ва амалиётга жорий этиш, замонавий наркотаҳдидларга қарши комплекс ёндашувларни ишлаб чиқиш, гиёҳ-вандликка қарши курашда давлатлараро ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган.

Форумда БМТ, Европа Иттифоқи, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Жаҳон божхона ташкилоти ҳамда бошқа 20 дан ортиқ нуфузли халқаро ташкилотлар вакиллари, 50 га яқин давлатлардан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар раҳбарлари ва 500 дан кўпроқ халқаро экспертлар ҳамда соҳа мутахассислари қатнашмоқда. ➡ 2

## «ЖАМОАТ САЛОМАТЛИГИ ВА ХАВФСИЗЛИгини ТАЪМИНЛАШ МАҚСАДИДА ТРАНСМИЛЛИЙ НАРКОТАҲДИДЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШ» МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО ФОРУМ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Ассалому алайкум, ҳурматли форум иштирокчилари!

Муҳтарам меҳмонлар! Хонимлар ва жаноблар! Сизларни Жамоат саломатлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида трансмиллий наркотаҳдидларга қарши курашиш форумида самимий кулладан мамнунман.

Кўҳна ва навқирон Самарқанд шаҳрига хуш келибсиз! Фурсатдан фойдаланиб, бугунги анжуманда иштирок этаётган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси ижрочи директори ўринбосари Бо Матасен жанобларига, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Бош директори Тедрос Адханом Гебрейесус жанобларига, Халқаро наркотикларни назорат қилиш қўмитаси Бош котиби Стефано Бертераме жанобларига, халқаро ва минтақавий ташкилотлар раҳбарларига, ҳорижий ҳукуматлар аъзоларига, ҳорижий давлатларнинг муҳтарам елчиларига, шунингдек, барча меҳмонларимизга ўзимнинг миннатдорлигимни билдираман.

Қадри тадбир иштирокчилари! Бугунги тахликали замонда дунё ҳам-жамиятининг янада қатъият билан биргаликда ҳаракат қилиши ҳар қачонгидан ҳам долзарб бўлиб бормоқда.

Кун сайин уюшган жиноятчилик, гиёҳванд моддаларни ишлаб чиқариш ва тарқатишнинг янги шакллари пайдо бўлаётгани инсоният учун трансмиллий таҳдидлар кўламини кенгайтирмоқда.

Бу жараёнлар нафақат мамлакатлар хавфсизлигига, балки энг қимматли бўлган инсон ҳаёти ва саломатлиги, одамларнинг келажагига салбий таъсир кўрсатмай қолмайди.

Бугун наркотиклар савдоси транс-чегаравий ва виртуал характерга эга бўлиб бораётгани хавф-хатарларни янада кучайтирмоқда. Айниқса, жиний гурӯҳларнинг шифрланган алоқа каналлари, контактсиз мулоқот ва мураккаб молиявий воситалардан фойдаланаётгани наркотикларга қарши курашишда биздан замонавий ечим ва ёндашувларни талаб қилмоқда.

Бугун аҳоли, айниқса, ёшлар орасида янги синтетик наркотиклар, психотроп ва кучли таъсир қилувчи моддалар кенг тарқалаётгани ҳам барчамизни чуқур таъвишга солиши табиий.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумотига кўра, дунёда 300 миллиондан ортиқ одам гиёҳванд моддалар таъсирига тушиб қолган. Ҳар йили 600 мингга яқин инсон ушбу иллатнинг қурбонига айланмоқда.

Бугунги глобаллашув шароитида бун-

дай хавф-хатар барча давлатлар қаторида Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтаётгани йўқ.

Шу боис Ўзбекистонда гиёҳвандлик ва наркожиноятларга қарши курашиш масаласини умуммиллий ҳаракатга айлантириб, барча куч ва воситаларни сарфароб қиляёмиз.

Сўнгги йилларда соҳада идоралараро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, профилантика меҳанизмларини ривожлантиришга қаратилган 20 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Айниқса, 2024 йилда наркотикларга қарши курашиш бўйича миллий стратегия қабул қилинган бу борадаги энг катта қадам бўлди.

Бундай саъй-ҳаракатларимиз ҳисобида сўнгги йилларда наркотикларнинг ноқонуний айланмаси билан боғлиқ жиноятларни аниқлаш қўрсаткичи 2,5 баробар ошди, мусодара қилинган гиёҳ-вандлик воситалари 2 баробар, йўқ қилинган синтетик наркотиклар 7 баробар кўпайди.

Биргина ўтган йилнинг ўзида ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан 15 мингдан зиёд наркожиноят фож этилди, қарийб 3,5 тонна гиёҳвандлик воситалари, жумладан, 120 килограмм синтетик наркотиклар йўқ қилинди, 14 та яширин нарколаборатория ва 72 та йирик интернет дўкони фаолиятига чек қўйилди. ➡ 2

Тошкентда ўтказилган 150-юбилей ассамблея ишига юқори баҳо берилди.

Жорий йилда Парламентлараро Иттифоқ раҳбариятининг ваколатлари тугаши муносабати билан томонлар биргаликдаги ишлар якунларини сарҳисоб қилиб, сўнгги йиллардаги ҳамкорликнинг асосий йўналишлари келишиб олинди.

Сўхбатдошлар амалга оширилаётган ишлорлар ҳамда ташаббуслар туфайли Ўзбекистон парламенти халқаро ҳамжамиятда ўз оёғини тизиб олишга қодир бўлишига ишоним билан айтиш мумкин.

Сўхбатдошлар амалга оширилаётган ишлорлар ҳамда ташаббуслар туфайли Ўзбекистон парламенти халқаро ҳамжамиятда ўз оёғини тизиб олишга қодир бўлишига ишоним билан айтиш мумкин.

Сўхбатдошлар амалга оширилаётган ишлорлар ҳамда ташаббуслар туфайли Ўзбекистон парламенти халқаро ҳамжамиятда ўз оёғини тизиб олишга қодир бўлишига ишоним билан айтиш мумкин.

Сўхбатдошлар амалга оширилаётган ишлорлар ҳамда ташаббуслар туфайли Ўзбекистон парламенти халқаро ҳамжамиятда ўз оёғини тизиб олишга қодир бўлишига ишоним билан айтиш мумкин.

Сўхбатдошлар амалга оширилаётган ишлорлар ҳамда ташаббуслар туфайли Ўзбекистон парламенти халқаро ҳамжамиятда ўз оёғини тизиб олишга қодир бўлишига ишоним билан айтиш мумкин.

Сўхбатдошлар амалга оширилаётган ишлорлар ҳамда ташаббуслар туфайли Ўзбекистон парламенти халқаро ҳамжамиятда ўз оёғини тизиб олишга қодир бўлишига ишоним билан айтиш мумкин. ➡ 3

### Анжуман

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Парламентлараро Иттифоқ президенти Тулия Эксон ва Бош котиби Мартин Чунгонг билан ҳам учрашди.

Мулоқотлар чоғида Пиннинг парламентлараро ҳам-

корликни ривожлантириш, демократик қадриятларни илгари суриш ва барқарор ривожланишга кўмаклашиш борасидаги муҳим ўрни қайд этилди. Ўзбекистоннинг Парламентлараро Иттифоқ билан алоқалари жадал ривожланиб, сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилгани таъ-

## БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШДА ЯНГИ ИМКОНИАТЛАР ВА МУСТАҲКАМ ҲУҚУҚИЙ АСОС

Сийсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда мамлакатимиз ижтимоий-сийсий ҳаётидаги муҳим воқеликларга эътибор қаратилди, шунингдек, қуйи палатанинг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилиши режалаштирилаётган қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.



### Фракциялар ҳаёти

#### Мамлакатимиз иқтисодий тараққиёти кафолати

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси йиғилишида давлатимиз раҳбарининг тадбиркорлик субъектла-

рига нисбатан молиявий жарималарни қўллаш тартибини янада либераллаштиришга қаратилган тақлифлар тақдимотида белгилаб берилган вазифаларнинг аҳамияти ҳақида сўз юритилди. Депутатлар шу йил 1 октябрдан жарималарни ихтиёрий тўлашни рағбатлантирувчи тартиб жорий этилаётганини қўллаб-қувватлади. ➡ 3



РИМ АБДУЛОВИЧ ГИНИЯТУЛЛИН



Давлат ва жамоат арбоби, меҳнат фахрийси Рим Абдуловчи Гиниятуллин 83 ёшида вафот этди.

Рим Гиниятуллин 1943 йил 18 сентябрда Жиззах вилоятининг Зомин туманида туғилди. 1963 йилда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалиғини механизациялаш институтини (ҳозирги "Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалиғини механизациялаш муҳандислари институти" миллий тадқиқот университети) муҳандис-гидротехник йўналиши бўйича тугатди. Меҳнат фаолиятини Ўзбекистон Қурилиш вазирлигида оддий ишчи сифатида бошлаб, кейинчалик ушбу вазирликда уста, бош муҳандис вазифаларида хизмат қилди. У Ўзбекистон Сув хўжалиғи вазирлигида бошқарма бошлиғи ўринбосари, бош бошқарма бошлиғи, сув хўжалиғи вазири ўринбосари, Давлат режа қўмитаси раисининг ўринбосари, Давлат агросаноат қўмитаси раиси ўринбосари лавозимларида ишлаб, катта билим ва тажриба орттирди.

Моҳир ташкилотчи раҳбар 1989 — 1996 йилларда Мелиорация ва сув хўжалиғи вазири, Давлат режа қўмитаси раисининг ўринбосари бўлиб ишлаганида фидокорона меҳнат қилиб, мамлакатимизда сув ва қишлоқ хўжалиғи тармоқларини ривожлантириш орқали юртимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига муносиб ҳисса қўшди.

Р. А. Гиниятуллин Оронли кўчқариш халқаро жағғармасида турли раҳбарлик вазифаларида ишлаб, денгизнинг қуриши билан боғлиқ салбий оқибатларни юмшатиш бўйича амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқишда жонбозлик кўрсатди.

Умрининг сўнгги йилларида у Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида, хусусан, кўп миллатли жамиятимизда тинчлик, меҳр-оқибат, бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш, кексалар ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш, ёшларни Ватанга муҳаббат, миллий ва умминсоний қадриятларга хурмат руҳида тарбиялашда фаол иштирок этди.

Рим Гиниятуллиннинг мамлакатимизни тараққий эттириш борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ирригатор", "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси" фахрий унвонлари, "Меҳнат шурҳати" ва "Дўстлик" орденлари билан мукофотланди.

Эл-юртимиз ўртасида обрў-эътибор топган тажрибали раҳбар, ёшларнинг меҳрибон устози, самимий ва камтарин инсон Рим Абдуловчи Гиниятуллиннинг хотираси қалбларимизда ҳамisha сақланиб қолади.

Ш. МИРЗИЁЕВ, Т. НОРБОВЕВА, Н. ИСМОИЛОВ, А. АРИПОВ, С. ТУРДИЕВ

ИСТИҚБОЛДАГИ ҲАМКОРЛИКНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ



Парламентларо Иттифоқ раҳбарияти айтганидек, Ўзбекистонда ўтказилаётган халқаро парламент тадбирлари, хусусан, Тошкентдаги 150-ассамблея намунали бўлиб, юқори тақлилий стандартларни белгилаб берди.

Томонлар 4 — 6 сентябрь кунлари Самарқанд шаҳрида ўтказилган Ёш парламент аъзоларининг 12-глобал конференциясига тайёрлик кўмиталари ўртасида иқтидор қаратди. Ушбу анжуман Парламентларо Иттифонинг ҳар томонлама кўмағида юқори савияда ўтишига ишонч билдирилди.

Музокаралар якунида парламент дипломатиясини мустаҳкамлаш борасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш ва қўша ташаббусларни амалга оширишдан икки томон ҳам манфаатдор экани тасдиқланди.

Шунингдек, Сенат Раиси Туркия Буюк миллат мажлиси Раиси Нуман Куртулмуш билан ҳам учрашув ўтказди.

Унда икки давлат раҳбарларининг мустаҳкам сиёсий иродаси ва ўзаро ишончга асосланган муносабатлари натижасида Ўзбекистон — Туркия алоқалари кенг қамровли стратегик шериклик даражасига кўтарилгани таъкидланди. Парламентларо ҳамкорлик гуруҳлари ва кўмиталар ўртасидаги алоқаларни янада кучайтириш, мунтазам мулоқот механизмларини йўлга қўйиш ҳамда қўша ташаббусларни илгари суриш муҳимлиги қайд этилди.

Мулоқот чоғида савдо ва инвес-

тициялар, саноат, таълим, маданият ва туризм соҳаларидаги ҳамкорлик масалалари атрофлича муҳокама қилинди. Олий даражада эришилган келишувларнинг ижросини таъминлашда парламент назоратини кучайтириш, конунчилик асосларини такомиллаштириш ва ҳудудларо алоқаларни кенгайтиришга эътибор қаратилди.

Томонлар парламентларнинг тегишли кўмиталари ўртасида иқтисодий, инвестициялар, инновация, банк-молия, туризм ва маданий-гуманитар соҳаларда мулоқотларни давом эттириш муҳимлигини таъкидлади. Шу билан бирга, халқаро рейтинглар, Барқарор ривожланиш

2026-2027 йилларга мўлжалланган "Йўл харитаси" имзоланди.

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева 152-ассамблея тадбирлари доирасида хорижий давлатлар парламентлари раҳбарлари билан ҳам кўзгич мулоқотлар олиб борди.

Жумладан, Қирғиз Республикаси Жогорку Кенеси торағаси Марлен Маматалиев билан учрашувда икки мамлакат ўртасидаги парламентларо ҳамкорлик изчил ривожланишига таъкидланди. Ўзаро ташрифлар ва халқаро майдонлардаги мулоқотлар ушбу ҳамкорликни янада мустаҳкамлаётгани қайд этилди. Ҳудудларда ўтказилаётган парламент-



макссадлари, гендер тенглик, коррупцияга ва одам савдосига қарши курашиш йўналишларида ҳамкорликни ривожлантиришга таъкидланди.

Учрашув якунида парламентлар ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга қаратилган

ларо ҳамкорлик бўйича комиссия ййгилишлари эса амалий ҳамкорликни кенгайтиришга ҳизмат қилаётганига алоҳида ургу берилди.

Покистон Ислоом Республикаси Сенати Раиси Юсуф Ризо Гилоний билан учрашувда икки давлат ўртасидаги сиёсий мулоқот юқори даража-



да экани, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил февраль ойида Ислмободда таширифи стратегик шериклик ривожига янги суръат бағишлагани таъкидланди. Томонлар парламентларо ҳамкорликни фаоллаштиришга келишиб олди.

Баҳрайн Қироллиги Миллий Мажлиси Махлашат кенгаши (Шура кенгаши) раиси Али бин Солиҳ ас-Солиҳ билан учрашувда эса икки мамлакат халқлари ўртасидаги тарихий-маданий ва диний алоқалар муштараклиги эътироф этилди. Томонлар парламентларо ҳамкорликни фаоллаштиришга таъкидланди.

Учрашув давомида парламентларо ҳамкорликни янада кенгайтириш, қўша ташаббусларни илгари суриш ва халқаро мулоқотни мустаҳкамлаш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбайжон Миллий Межлиси Раиси Сахиба Гафарова билан бўлиб ўтган мулоқотда икки давлат

ўртасида парламентларо муносабатлар изчил ривожланиб бораётгани қайд этилди. Томонлар ҳамкорликни янада кенгайтириш бўйича, Ўзбекистон — Ўзбайжон иккинчи парламентларо форумини ташкиллаштириш ҳамда қўша ташаббусларни амалга ошириш масалаларини муҳокама қилди.

Беларусь Республикаси Миллий Мажлиси Республика Кенгашининг Халқаро ишлар ва миллий хавфсизлик бўйича доимий комиссияси раиси Сергей Алейник билан учрашув давомида икки мамлакат парламентларо ҳамкорлигининг устувор йўналишлари қўриб чиқилди. Жумладан, навбатдаги Ўзбекистон — Беларусь парламентларо анжумани, парламент раҳбарлари учрашувларини, Ёш парламент аъзолари форумини ташкил этиш ҳамда худудий вакилик органлари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокамадан ўтказилди.

АҲОЛИ БИЛАН ОЧИҚ МУЛОҚОТ

Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Одиложон Маматқаримов Наманган вилоятининг Ўйчи туманида аҳоли учун навбатдаги сайёр қабул ўтказди.

Сайёр қабул

Қабул давомида фуқаролардан 15 дан ортиқ мурожаатлар келиб тушди. Уларнинг аксарияти ички йўллари ободонлаштириш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш ҳамда "Оилавий тадбиркорлик" дастури доирасида имтиёзли кредитлар ажратиш масалаларига тегишли бўлиб, мурожаатларнинг 10 таси жойида ижобий ҳал этилди. Муддат талаб қиладиган масалалар юзасидан эса тегишли ташкилот ва идоралар масулларига кўрсатмалар берилди, уларнинг ижроси қатъий назоратта олинди.

Шунингдек, учрашув давомида аҳоли билан очик мулоқот ўтказилиб, фуқароларга мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, янги конунчилик ташаббуслари ҳамда давлат дастурларининг мазмун-моҳияти ҳақида тушунтириш берилди.

Таъкидланганидек, бундай сайёр қабуллар фуқароларнинг муаммоларини ўз вақтида ҳал этиш, уларнинг яшаш шароитини яхшилаш ҳамда давлат органлари фаолиятининг оқиллиги ва самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади.

ПРОФЕССИОНАЛ КАДРЛАР ЗАХИРАСINI ШАКЛЛАНТИРИШДА МУҲИМ БОСҚИЧ

Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси ҳамда Олий Мажлис ҳузурдаги Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ташаббуси билан Вазирилар Маҳкамаси ҳузурдаги Бизнес ва тадбиркорлик олий мактабига нодавлат нотижорат ташкилотлари (ННТ) вакиллари учун "Ижтимоий таъсир ва нотижорат ташкилотларини бошқариш" йўналишида қисқа муддатли малака ошириш курслари ташкил этилди.

Ўқув

Бир ҳафталик интенсив шаклдаги таълим дастури ННТ раҳбарлари ва ходимлари учун мўлжалланган. Дастур мазмуну замонвий талаблар асосида шакллантирилиб, ҳуқуқий асослар ва институционал ривожланишдан тортиб, лойиҳа бошқаруви, стратегик коммуникациялар, ресурсларни жалб қилиш

ҳамда ижтимоий таъсирни баҳолашга ҳамда муҳим йўналишларни қамраб олади. Курс доирасида амалий ёндашувга устувор аҳамият қаратилган бўлиб, иштирокчилар ижтимоий лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш воситаларини, давлат органлари, бизнес субъектлари ҳамда халқаро ҳамкорлар билан самарали шериклик механизмларини, шунингдек, ўз фаолияти барқарорлиги ва самарадорлиги

ни ошириш йўллариини ўзлаштиради. Ўқув жараёни тегишли давлат органлари, таҳлил марказлари ва таълим муассасаларининг етакчи экспертларини жалб қилган ҳолда таъминланади. Шунингдек, дастурга ННТ секторини рақамлаштириш ҳамда бошқарувида инновацион технологиялардан фойдаланиш билан боғлиқ замонвий мавзулар ҳам киритилган.

Мазкур курс нодавлат секторнинг профессионал кадрлар захирасини шакллантиришда муҳим бошқич бўлиб, ижтимоий лойиҳаларни бошқариш самарадорлигини ошириш ҳамда ННТни Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш жараёнидаги фаолроқ жалб қилишга қўмақлашади.

«Халқ сўзи».

БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШДА ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР ВА МУСТАҲКАМ ҲУҚУҚИЙ АСОС



Янги тартибга кўра, агар тадбиркор бир ой ичида жариманинг 50 фоизини тўласа, қолган қисми бекор қилинади. Жарималарни 6 ой давомида бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти берилиши бизнес учун янада қулай шарт-шароитлар яратяди.

Жараёнларни рақамлаштириш, "Ягона давлат назорати" ахборот тизими орқали электрон реестр юритиш, қарорларни электрон рақамли имзо билан тасдиқлаш ва онлайн шикоят бериш тизимини жорий этиш кўзда тутилётгани ургуланди. Фракция аъзолари бу каби имкониятлар адолат, шаффоқлик ва тадбиркорлар ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилишини айтди.

Ййгилишда мамлакатимиз иқтисодий тараққиёти учун муҳим аҳамиятга эга бўлган конун лойиҳаси — Ўзбекистоннинг Янги тараққиёт банки (ЯТБ) тўғрисидаги битимга қўшилиши масаласи қўриб чиқилди.

Хужжатга мувофиқ, Ўзбекистон 2014 йилда ташкил этилган мазкур нуфузли молиявий институтга аъзо бўлиш орқали глобал инвестиция жараёнидаги иштирокини кенгайтириши мақсад қилган.

Ушбу ҳамкорлик иқтисодий тармоқларини модернизациялаш, замонавий инфратузилмани барпо этиш ва зорқ муддатли имтиёзли молиявий ресурсларни жалб қилиш имкониятларини сезиларли даражада оширади.

Янги тараққиёт банки, аввало, ривожланаётган мамлакатларда инфратузилма ва барқарор ривожланиш лойиҳаларини қўллаб-қувватлашга ихтисослаштирилган бўлиб, унга аъзо бўлган давлатлар ўртасида ўзаро манфаатдорлик тамойиллари асосида фаолият юритади.

Мунозаралар давомида фракция аъзолари ушбу конун лойиҳаси юзасидан ўз нуқтаи назарини билдирди. Депутатларнинг фикрича, Ўзбекистоннинг Янги тараққиёт банкига аъзо бўлиши миллий иқтисодийни модернизация қилишда муқобил ва имтиёзли сармоялар оқимини таъминлаш имконини беради.

— Ушбу ҳамкорлик мамлакатимизга халқаро молиявий майдонда ўз манфаатларини муҳофаза этиш, энергетика, инфратузилма, сув хўжалиғи ва транспорт соҳаларида истиқболли инвестиция лойиҳаларини имтиёзли шартларда молиялаштириш учун янги имкониятлар эшигини очяди, — дейди фракция аъзоси Руслан Собиров. — Энг муҳими, юртимизда янги кор-

хоналар ва минглаб иш ўринларини яратишга хисса қўшади. Ййгилишда қўриб чиқилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистоннинг туризм салоҳиятини оширишга хизмат қилувчи ҳужжат

"Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси ййгилишда "Келиб чиқиш жой номлари ва география кўрсаткичлар тўғрисидаги Лиссабон битимининг Женева актига (Женева, 2015 йил 20 май) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши ҳақида"ги конун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш йўлида кўплаб халқаро шартномаларга қўшилипти. Женева акти ҳам ана шундай ҳужжатлардан бири бўлиб, у



орқали товар келиб чиққан жой номлари ва география кўрсаткичлар Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотидоирасидаги ягона қондалар асосида муҳофаза этилади.

География кўрсаткичлар халқаро амалиётда кенг тарқалган бўлиб, биргина Европа Иттифоқи давлатларида 3 мингдан ортиқ география кўрсаткичлари ва товар келиб чиққан жой номлари рўйхатдан ўтказилган.

Ташаббускорлар Ўзбекистоннинг ушбу ҳужжатга қўшилиш зарурати ҳақида тўхталиб, бу дунёга очилаётган Ўзбекистоннинг туризм салоҳиятини янада кенгайтиришга, айнакча, география номи билан боғлиқ худудий брендлар машҳурлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлиши-

ни таъкидлади. Женева акти эса айнан бундай муносабатларни халқаро миқёсда тартибга солиади. Яъни Ўзбекистоннинг жой номлари билан боғлиқ миллий махсулотлари Женева акти орқали халқаро миқёсда ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилинади. Бугунги кунда ушбу тизимдан 1060 та товар рўйхатдан ўтказилган.

Депутатларнинг қайд этишича, эндиликда Женева актига қўшилиш орқали маълум бир худудга хос, айнакча, қишлоқ хўжалиғи ва хунармандчиликка оид махсулотларимизни халқаро даражада ҳам оммалаштириш имкониятига эга бўламиз. Бу минтақавий брендларни ривожлантириш, бозор муносабатларини яхшилашга хизмат қилади.

Фракция аъзоси Нодир Тилаволиев Ўзбекистоннинг деярли барча худудларида географик кўрсаткичлар сифатида рўйхатдан ўтказилиши мумкин бўлган ноёб махсулотлар қўлигини таъкидлаб, Ўзбекистоннинг Женева актига қўшилиши, шубҳасиз, худудларга сайёҳлар оқимининг

кўпайишига, "гастрономик туризм" ривожланишига, айнакча, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги имижини янада яхшилланишига хизмат қилишини таъкидлади.

Рақамли секторга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми ошади

"Адолат" социал-демократик партияси фракцияси ййгилишда дастлаб Президентимиз раислигида уй-жой қурилиши ва урбанизация соҳасида амалга оширилаётган ишлар, мавжуд муаммолар ва келгусидаги устувор вазифалар юзасидан ўтказил-

ган видеоселектор ййгилишининг аҳамияти ҳақида сўз юритилди.

Депутатлар сўнгги йилларда иқтисодийимиздаги юқори ўсис суръатларини таъминлашда қурилиш индустрияси энг асосий локомотивлардан бирига айланиб бораётганини қайд этди. Бугунги кунда соҳада 10 мингга яқин янги корхоналар очилиши, 3,5 млн. аҳолининг бандлиги таъминлангани ижтимоий барқарорликнинг муҳим омилли эканлиги ургуланди.

Фракция аъзоси Гулнораҳон Абдувоҳидова мазкур масала юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирар экан, давлатимиз раҳбарли томонидан белгилаб берилган устувор вазифалар юртимизда қурилиш ва урбанизация соҳасини янги бошқича олиб чиқиш, аҳолини муносиб уй-жой билан таъминлаш ҳамда янги иш ўринлари яратишга хизмат қилишини таъкидлади.

Ййгилишда "Рақамли технологиялар халқаро маркази тўғрисида"ги Конституциявий конун лойиҳаси атрофлича қўриб чиқилди.

Ушбу ҳужжатнинг мақсади — Рақамли технологиялар халқаро марказининг махсус манзил сифатидаги мақомини ва унинг худудида амал қиладиган махсус ҳуқуқий режими белгилашдан иборат.

— Конун лойиҳаси фракцияимиз ййгилишида атрофлича муҳокама қилинди, — дейди фракция аъзоси Бехзод Тўхтамуродов. — Мазкур ҳужжатнинг қабул қилиниши юртимизда ИТ соҳасининг янги ички махсулотдаги уллушини, рақамли секторга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажмини оширишга, рақамли технологиялар соҳасида янги иш ўринларини яратишга йўл очяди.

Ййгилишда конун лойиҳаси депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди.

Аҳоли саломатлиги ва саноат хавфсизлиги — муҳим масала

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси ййгилишида мамлакатимизнинг халқаро ташкилотларга аъзолигининг ижтимоий аҳамияти, айрим худудлар чегараларидаги ўзгаришлар ва ушбу жойларда ижтимоий объектларнинг жойлашуви масалалари атрофлича қўриб чиқилди.

Ййгилиш кун тартибидан ўрин олган асосий масалалардан бири — "Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг ва потенциал хавфли объект-

ларнинг саноат хавфсизлиги тўғрисида"ги конун лойиҳаси бўлди. Мазкур лойиҳа доирасида депутатлар томонидан аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, хусусан, хавфли объектларнинг атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигига таъсирини чуқур ўрганиш, аниқ ва амалий чора-тадбирларни белгилаш зарурлиги таъкидланди. Шу жиҳатдан, конун нормаларининг самарали ишлаши учун уларни аниқ механизлар билан мустаҳкамлаш лозимлиги қайд этилди.

Шунингдек, халқ депутатлари Кенгашлари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган конун лойиҳаси ҳам кизгич муҳокама қилинди. Унда Кенгашлар ваколатларини аниқ белгилаш, жумладан, уларнинг қўшимча ваколатлари фақат конун ҳужжатлари орқали тартибга солиниши назарда тутилмоқда.

Муҳокама жараёнида айрим нормалар юзасидан танқидий фикрлар ҳам билдирилди. Хусусан, депутат Сайёра Имомова ҳокимларнинг маҳаллий Кенгашларда депутатлик мақомини сақлаб қолиши манфаатлар тўқнашувига олиб келиши мумкинлигини қайд этди ва ушбу нормани қўшимча муҳокама қилиш таклифи илгари сурилди.

Ййгилишда фракциянинг яқин режалари ҳам белгилаб олинди. Айтилганидек, яқин вақтларда депутатларнинг худудлардаги ўрганишлари ташкил этилади. Ушбу ўрганишлар давомида мактаб ва мактабгача таълим муассасаларида ўқувчилар учун яратилаётган хавфсиз шароитлар, моддий-техник базанинг ҳолатига алоҳида эътибор қаратилади. Бу жараён маҳаллий Кенгашлар билан ҳамкорликда амалга оширилиши режалаштирилмоқда.

Яқунда фракция кун тартибига киритилган конун лойиҳаларини концептуал жиҳатдан қўллаб-қувватлади.

Халқ депутатлари Кенгашлари фаолиятини такомиллаштирилмоқда

Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси ййгилишида "Халқ депу-



татлари Кенгашлари фаолиятини такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим конун ҳужжатларига қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги конун лойиҳаси қўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда халқ ҳокимиятичилигини тўлақонли рўёбга чиқариш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, худудлардаги долзарб масалаларни ҳал этиш бўйича ваколатларини такомиллаштирилди. Конституцияда маҳаллий Кенгаш раиси ва ҳоким лавозимлари бир-биридан ажратилди. "Кучли Кенгаш, ҳисобдор ва ташаббускор ҳоким" тамойили изчиллик билан рўёбга чиқарилмоқда.

Конун лойиҳаси билан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси Раиси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгаши раислари Коррупцияга қарши курашиш бўйича худудий кенгаш фаолиятини раислик қилиши белгиланмоқда. Лойиҳа билан маҳаллий Кенгашларнинг ваколатлари фақат конун ҳужжатлари билан белгиланиши назарда тутилмоқда.

— Фракцияда муҳокама қилинган конун лойиҳаси мамлакатимизда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг фаолиятини янада самарали ташкил этиш, худудларда очиклик ва ҳисобдорликни таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир, — деди депутат Наврўз Юсупов.

Муҳокама якунида фракция аъзолари конун лойиҳасини қўллаб-қувватлади.

«Халқ сўзи».

Ногиронлиги бўлган болаларга кундузги парварिश хизмати кўрсатувчи тадбиркорлар 2030 йил 1 январга қадар барча турдаги солиқлардан озод қилинади.

